# БУХОРО ТЕКТОНИК ПОҒОНАСИНИНГ ЖАНУБИЙ-ҒАРБИЙ ҚИСМИНИНГ ГЕОЛОГИК ТУЗИЛИШИ

**Панжиев Ҳикмат Аҳадиллаевич**

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

**Аннотация:** Мақолада Бухоро-Хива нефтгазли хавзасини Бухоро тектоник поғонасини геологик тузилиши ва чўкинди қатламининг минералогик таркиби килтирилган. Бухоро тектоник поғонаси палеозой, мезазой ва кайнозой ётқизиқларидан тузилган. Чунки бу ётқизиқлар нефт ва газга истиқболли ҳисобланади.

**Калит сўзлар:** палеозой, мезазой ва кайнозой, Қорахитой, Андабозор, Раимсўфи, юра, карбонат формацияси, туз ангидрит формацияси, неоком, альб.

**Annotation:** The article describes the geological structure and mineralogical composition of the Bukhara tectonic stage of the Bukhara-Khiva oil and gas basin. The Bukhara tectonic bed is composed of Paleozoic, Mesozoic and Cenozoic deposits. Because these fields are promising for oil and gas.

**Keywords:** Paleozoic, Mesozoic and Cenozoic, Karahitoy, Andabozor, Raimsofi, Jurassic, carbonate formation, salt anhydride formation, neocom, alb

Ўрганилаётган ҳududнинг геологик тузилишида палеозой, мезозой, кайнозой ёшидаги ётқизиқлар иштирок этади. Буларнинг ичида меза-кайназой даври ётқизиқлари кўпроқ ўрганилган. Чунки бу давр ётқизиқлари нефт ва газга истиқболли ҳисобланади.

**Палеозой (Pz)**

Бухоро тектоник поғонасида палеозой юзаси кўп сонли бурғи кудуқлар билан очилган. Бухоро тектоник поғонасининг жанубий-шарқий қисмида мезозой чўкинди-вулканоген формацияси ривожланганлигидан далолат беради. Жанубий қисми эса кўп фазали магматик маҳсулотлардан ташкил топган

плутон-вулқон минтақадан иборат. Қорахитой майдонидаги № 3, 4, 5, Андабозор майдонидаги № 1, 2, Раимсўфи майдонидаги №1, бурғи қудуқларида очилган ва кварцли парфирлардан, метаморфик оҳактошлар билан метаморфик сланецларнинг юпқа қатламларидан иборатдир.

**Мезозой (Mz)**

Палеозой ётқизиқлари терриген чўкиндилар билан номувофиқ қопланади. Асосан қорамтир тусли қумтошлар, алевролитлар, сланецлар, аргилитларнинг кетма-кет жойлашишидан иборатдир.

**Юра системаси**

Бухоро тектоник поғонасининг юра ётқизиқлари литологик таркиби ва пайдо бўлиши шароитига кўра учта фармацияга бўлинадилар: терригенли, оҳактошли ва туз-ангидритли.

Юра терриген ётқизиқлари мураккаб қурилган қуриқлик ва денгиз тузилмалари комплексидан иборат бўлиб, палеозой кристал пойдевори устидаги турли даражада метаморфизацияланган триас бурмали қатламлари устида мос ётади. Юра терриген комплекси ётқизиқларининг таркиби аргилитдан, алевролит юпқа қатламидан, қумтошлардан, мергелдан ташкил топган чўкинди жинслардан иборатдир.

**Карбонат формацияси**

Карбонат формацияси ётқизиқлари терриген формацияси ётқизиқлари устида мос ётади ва ўзаро фациал боғланган оҳактош жинсларининг турли хил комплексидан иборат, уларнинг қалинлиги кенг оралиқда ўзгаради (150м, дан 250м гача).

Колекторларнинг кесимда жойлашиш характерига қараб, ҳамда қатор генетик белгиларига қараб, карбонат формацияси икки қисмга бўлинади: пастки, нисбатан муқим қалинликда (140-250м), очиқ шельф фацияси ётқизиқларини ўз ичига олган ва устки, кескин ўзгарувчи қалинликларга (5-300м) эга.

**Туз-ангидритли фармация**

Туз-ангидритли фармациянинг (ТАФ) Чоржўй поғонасидан Бухоро поғонасига тамон қалинлиги қисқариб боарди.

Бурғилаш натижалари шуни кўрсатадики, рифли массивлар гумбази устида якка рифларда ҳам, ғов рифларда ҳам қуйи ангидритлар камаяди ва якка рифларнинг ён бағирларида, ғов рифларнинг фақат бассейн, яъни чуқур томони ён бағирларида ошади ва террасасимон майдончаларни ҳосил қилади.

Бухоро тектоник поғонаси доирасида ангидрит қатлами ётқизиқлари литологик таркибига кўра оқ, оқ-кулранг, пушти ранг-оқ, қаттиқ, яширин кристалланган, жойларда ёриқли ангидритлар билан оҳактош юпқа қатламларидан иборатдир.

**Бўр системаси –К**

Бўр системаси неоком, апт, альб, сеноман, турон ва сенон ярусларига бўлинган қуйи ва юқори бўлимлардан иборатдир. Литологик жиҳатдан бўр ётқизиқлари гил, қумтош ва алевролитларнинг галма-гал такрорланишидан иборатдир. Бухоро поғонаси доирасида бўр ётқизиқларининг шимолий йўналиши бўйлаб, неоком-апт тузилмаларининг тўлиқсиз поналашишига қадар кескин қисқариши белгиланади, 1600м дан шимолда 600м гача.

**Қуйи бўр –$К_1$**

Неоком кичик яруси. Остида қумтош ва алевролитларнинг юпқа қатламларини ўз ичига олган қизил рангли гиллар тахлами ётади. Юқорида XIV-ўтказувчан горизонт деб ажратилган, қизғиш-қўнғир тусли қумтошлар, гилли ва алевролитларнинг юпқа қатламларидан ташкил топган.

Апт ётқизиқлари қумтошлардан иборатдир. Майда ва ўрта донадор, кулранг чиғаноқли оҳактошлар, гиллар, алевролитлар юпқа қатламлари билан XIII-горизонт деб ажратилади. Қалинлиги тахминан 72-100м ни ташкил қилади.

Альб яруси. XII-горизонт устида ётадиган, гиллашган бир жинсли қатлам кесими, кўп микрафауналар қолдиқлари аралашган гиллардан иборат. Унинг қалинлиги Андабозор, Раимсўфи майдонлари доирасида 47м дан 65м гача ўзгаради.

**Юқори бўр –$К_2$**

Сеноман яруси. Сеноман ётқизиқлари қумтошли жинсларнинг гил ва алевролитлар юпқа қатламлари билан устма-уст қатламланишидан иборатдир.

Қумтошлар яшил-кулранг, кулранг, майда ва юпқа донадор, жойларда ёмон сараланган, фауна аралашган, оҳактошлашган. Турон яруси. Турон ётқизиқлари Тошли, Бойбурак, майдонларида структуравий ва чуқур қидирув бурғи қудуқлари билан очилган. Ер юзасида улар Кўнғиртоғ ва Косонтоғ майдонларида очилиб қолганлар.

**Кайназой ётқизиқлари**

БХНГВда кайназой ётқизиқлари учта системага бўлинади: палеоген, асосан денгиз чўкиндилари (оҳактошлар, гил юпқа қатламлари билан, мергеллар, гипслар) неоген континентал (қумтошлар, алевролитлар, қумлар, гиллар) ва антропоген (қумлар, шағаллар, соз тупроқлар).

**Палеоген ситемаси-Р**

Палеоген ётқизиқлари юқори бўрнинг ювилган юзасида ётади. Улар Кўнғиртоғ, Косонтоғ, Тувактоғ майдонларида ер юзасига яқин ва кўп сонли бурғи қудуқлари билан бурғилаб очилган.

**Неоген системаси-N**

Неоген ётқизиқлари ҳудудда жуда кенг ва ҳар жойда ривожланиш олди, ҳамда улар табиий чиқишларда, антиклинал структураларнинг гумбаз қисмида қисман очилган. Неоген қопламалари учун иш ҳудуди доирасида литологик таркиби турли ҳиллигининг катталиги, жинсларнинг муқим эмаслиги ва ўзгарувчанлиги характерлидир. Литологик жиҳатдан неоген қопламаси қумтошлар, алевролитлар, гиллар ва қумларнинг қатламланишидан иборат.

**Антропоген системаси-Q**

Антропоген чўкиндилари иш ҳудудида геологик съемка материаларига асосан анча мукаммал ўрганилган ҳисобланади.

Келиб чиқиш жихатидан аллювиал, пролювиал, эллювиал тузилмалар ва уларнинг энг хилма-хил бирикмалари ажратилади. Антропоген ётқизиқларининг қалинлиги 0 дан 40 м гача ўзгаради. Структуравий бурғилашда антропоген ётқизиқларини неоген ётқизиқларидан ажратиш

мумкин эмас, шунинг учун улар неоген-антропогенли ётқизиқлар деб мухокама қилинади.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Акрамходжаев А.М., Юлдашев Ж.Ю. Геологическое строение и нефтегазоносностъ Туранское плиты с позиции новой глобалной тектоники. // Сб. Тектоника молодых платформ. – М. Наука,1984.

2. Б.Г.Бабаев: «Соляно-ангидритовые фации юго-восточной части БХНГО и её формирование залежей нефти и газа». Москва «Недра» 1977йил.

3. М.Х. Орифжанов: «Ўзбекистондаги келловей–оксфорд комплексдаги рифлар», «Фан», Тошкент, 1985йил.

4. Й. Эргашев, Ғ. С. Абдуллаев, М.Ҳ. Қодиров, И. Х. Холисматов: «Нефть ва газ конлари геологияси», «Нур» Тошкент 1995йил.

5. А.А. Абидов, Й. Эргашев, М. Кодиров: «Нефть ва газ геологияси русча-ўзбекча изохли луғати». «Шарқ»Тошкент-2000 йил.